

## “ТАСДИҚЛАЙМАН”



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БАКАЛАВРИАТИГА КИРИШ ТЕСТ  
СИНОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ХУДУДЛАРГА ТАШРИФ БУЮРГАН  
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ УЧУН  
ЙЎРИҚНОМА

Олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда - ОТМ)нинг бакалавриатига қабул учун ўтказиладиган тест синовлари жараёнлари ҳақида жамоатчиликка тезкор ва аниқ ахборот бериб боришда матнли, аудио, фото ва видео шаклида маълумотлар олиш бевосита тест синови ўтказиладиган жойларда амалга оширилади. Бунда оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар (кейинги ўринларда - журналист) қуйидаги тартибга амал қилади:

1. Жараённи ёритиш учун битта тахририят (телеканал, радиоканал, газета, журнал ёки интернет нашри)дан ташриф буюрган журналистлар сони 2 тадан, блогер бир нафардан ошмаслиги зарур.

2. Журналист тест синови ўтказиладиган ҳудудга кираётганда иш жойидан берилган гувоҳномасини шахсан кўрсатади.

Бунда тест синови ўтказиладиган ҳудудлардан медиа материал тайёрлаш истагида бўлган **блогерлар** рухсатнома олиш учун бевосита Давлат тест марказига [info@dtm.uz](mailto:info@dtm.uz) электрон почта манзили орқали мурожаат қилиши, рухсатнома олиш учун зарур бўлган **паспорт серияси ва рақами, интернет нашрининг номи кўрсатилган** маълумотларни ҳамда **3x4 ўлчамдаги рангли фотосурати**ни тақдим этиши талаб этилади.

Қайд этилган ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги журналистнинг тест синови ўтказиладиган ҳудудга киришини рад этишга асос бўлади.

3. Журналист белгиланган ҳудудда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан ўрнатилган тартиб ва талабларга риоя қилиши керак.

4. Ҳудудга кирган журналист бино раҳбарига ўзини таништиради ва ташрифининг мақсади (аудио, фото ёки видеолавларга тайёрлаш) ҳақида огоҳ этади. Бундай ҳолларда бино раҳбари ёки бошқа масъул шахс томонидан журналистга

амалий ёрдам кўрсатилади. Журналистнинг бинодаги фаолияти масъул шахс назоратида амалга оширилади.

5. Журналистнинг жараёнга халақит берадиган даражада ишлаши, хусусан, тест топшириш жараёнида абитуриентнинг олдига бориши, қаторлар орасида юриши, тест топшириқлари китобларини яқиндан суратга олиши қатъиян тақиқланади.

6. Медиа материаллар тайёрлаш жараёнига, агар тест синови учун ажратилган вақт тўлиқ яқунланмаган бўлса, абитуриент ёки гуруҳ назоратчисининг жалб этилиши мумкин эмас.

7. Журналист билан суҳбатлашиш ёки интервью беришдан бош тортган шахс (гуруҳ назоратчиси, абитуриент ва б.лар)га босим ўтказиш қатъиян ман этилади. Бундай ҳолларда жараён ҳақида тўлиқ ва ҳаққоний маълумот олиш масаласи бино раҳбари ёки ДТМ вакили ёрдамида ҳал этилади.

8. Тест синовини топшириб, бинодан чиққан абитуриент ва бошқа шахсларнинг суҳбат, интервьюга жалб этилиши ихтиёрий бўлиб, масъул шахслардан рухсат сўраш талаб этилмайди.

Жараён давомида журналистнинг мазкур Йўриқномада белгиланган тартибга риоя қилмаслиги уни ҳудуддан чиқариб юбориш ёки ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга мурожаат қилишга сабаб бўлади.